


МЕДИА ТИЛИДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИННИГ ЛИНГВО-
КУЛЬТРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7548444>



Ёдгорова Зебо Ғаффоровна

Қарши Давлат Университети, Ўқитувчи



ELSEVIER



Received: 17-01-2023

Accepted: 18-01-2023

Published: 22-01-2023

Abstract:

Keywords:

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Босма медиаматнларни таҳлил қилишда ва уларнинг миллий-маданий, яъни, лингвомаданий хусусиятларини очиб беришда матн модаллиги катта роль ўйнайди.

Кузатишиларимизга кўра тилшуносликда модал бирликларни лингвоманий нуқтаи назардан таҳлил қилишда, асосан, икки нуқтаи назар илгари сурилади:

1. Модаллик категорияси маълум бир лингвомаданий концепт ифодаланади. Мазкур концепт кўп ҳолларда муайян миллат концептосферасининг миллий жихатларини акс эттиради.

2. Модалликнинг маданий семантикасида халқнинг миллий тафаккури, менталитети ўз аксини топади. Зоро, модаллик категорияси Модаллик категорияси деб, қатор функционал-семантик модаллик категорияларининг шаклланиб, ривожланиб, турли хил маъно нозикликларига қўшилиб, уйғунлашиб кенг функционал-семантик майдонни ҳосил қилиш жараёнида сўзловчининг объектив борлиқса муносабатини англатиб, сўзловчи ва тингловчи орасидаги коммуникатив мулоқотнинг амалга ошишида ифодаланаётган семантик маънолар мажмуи. Шуннингдек, модаллик – бу предметлар ва гаплар орасидаги ҳар хил муносабатларни англатиб, модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган шартли тил белгиларидир. Буни жадвалда қўйидагича изоҳлашимиз мумкин:

Функционал-семантик модаллик категориялари	Модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган шартли тил белгилари
тасдиқ-инкор, реал-нореал, сўрок, ундов, пайт, сабаб, мақсад, қиёс, шарт, ният, буйруқ, натижা, тўсиқсиз, ўрин, инкор,	чин, реал, тасдиқ, тасодиф, хато, инкор, мумкин, зарур, эҳтимол, мумкин эмас, шарт, тахмин, гумон, ўхшатиш ва х.к.

тасдик, мавжудлик, ҳолат, маслаҳат, илтимос, талаб, мумкинлик ва ҳ.к.	
--	--

Медиаматн таркибидаги гапининг мазмун ва моҳиятини баҳолашда субъектив-модаллик хусусиятларининг очиб беришда аксиологик модаллик кенг семантик майдонни эгаллаши ахборот узатишда медиа тилини миллий маданий хусусиятлари билан боғлиқ. Ушбу фаслда функционал-семантик модаллик ҳамда модал маъноларини ифодалаш учун хизат қилувчи тил бирликлари (шартли тил белгилари)ни лингвомаданий жиҳатларига ёритишга ҳаракат қиласиз.

Тилшунослик соҳасидаги лингвомаданият борасида сўз юритар эканмиз, унга бағишлиган илмий ишлар ҳажмининг ортиб бораётганигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, мазкур муаммога мурожаат қилган олимлар орасида Россия олимлари етакчи ўрин тутади. Масалан, юқорида тилга олинган Ю.С.Степанов ўз ишида русийзабон кишиларга хос долзарб тушунчалар ҳамда уларнинг тўлиқ тафсилотини ёритиб беради¹²⁴. Н.Д.Арутюнова тадқиқоти турли хил давр ва ҳалқларга тегишли матнлардан саралаб олинган маданиятга хос универсал терминларни ўрганишга йўналтирилган¹²⁵.

“Лингвомаданият — ҳалқ маданиятининг тилда ўрнашиб, унда акс этадиган кўринишларини ўрганиб чиқади.... Лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу оламни миллий тил орқали кўриш демакдир. Бунда тил ўзига хос миллий менталитетнинг ифодаси сифатида намоён бўлади”¹²⁶.

Лингвомаданиятнинг вужудга келиши XIX-XX асрларнинг фалсафий ҳамда тилшуносликка оид назариялар ривожланишининг табиий натижасидир. Охирги ўн йилликдаги мазкур соҳага бағишлиган илмий-тадқиқот ишларининг энг таниқлиси деб В.А.Маслованинг тадқиқотини ҳисоблаш мумкин¹²⁷. Унда методологик база келтирилади, лингвомаданий тадқиқотларнинг замонавий йўналишлари тасвирланади. Муаллиф лингвокультурологияни “тилшунослик ва маданиятшуносликнинг қўшилиши натижасида вужудга келган тилшунослик соҳаси”, “маданиятшунослик ва тилшунослик, этнолингвистика ва маданий антропология соҳаларида тадқиқотлар натижаларини ўз ичига қамраб олган билимларнинг ажralmas қисми” сифатида таърифлаб, унинг ҳар соҳага тегишилилк хусусиятини таъкидлайди¹²⁸. Муаллиф тадқиқотнинг турли хил

¹²⁴ Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М.: УРСС, 2003. – 310 с.

¹²⁵ Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Язык русской культуры, 1999. – 895 с.

¹²⁶ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – С.8-9. 208 с.

¹²⁷ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – С.8-9. 208 с.

¹²⁸ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – С.8-9. 230 с.

усул ва методлари (интерпретацион, психолингвистик) қўлланилиши имконияти тўғрисида сўз юритади.

Ҳар бир миллатнинг ўз маданияти, миллий ўзига хослиги билан бошқа миллатлардан ажралиб туради. Бунда шубҳасиз унинг тили ҳам маданиятининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Тил маданиятнинг аҳамиятли бир бўлаги сифатида коммуникация жараёнида миллий маданиятни намоён этади. Шу сабабдан ҳам тилшуносликда ҳамиша тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлиги масаласига, миллатнинг ўзига хос урф-одати, анъаналари, маданиятининг бир бўлаги бўлган нутқни нормага солиш ҳамда қонун-қоидаларга риоя қилиниши муаммоларига эътибор қаратиб келинган.

Тил ва маданиятнинг ўзаро бир-бирига нисбатан муносабатини тавсифлаш жараёни ҳақида турли хил фикр-мулоҳазаларга дуч келиш мумкин, чунки бу икки тушунчанинг ўзаро муносабати жуда кенг қамровли ва бир неча йиллар давомида олимларнинг дикқати марказидан ўрин олиб келмоқда. Олдинги ва замонавий тадқиқотлар натижаларини бирлаштириб айтиш мумкинки, тил ва маданият иккаласи бир бутунликни ташкил этади ва ўзаро бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, улар бирисиз иккинчиси мавжуд бўла олмайди; тил ва маданият бир вақтнинг ўзида бир-бирини тўлдириб туради. Тил маданиятнинг таркибий қисми, унинг қуроли бўлиши мумкин, тил маданият руҳининг ифодаси ҳамда маданият мавжудлигининг ўзига хос усулидир.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатини қайта-қайта ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида умумий тилшунослик, психология, фалсафа каби фанларнинг янги-янги қирралари очилди ҳамда улар лингвокультурология, социолингвистика, психолингвистика каби замонавий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлди.

Хусусан, лингвокультурология ёхуд лингвомаданиятшунослик фанининг ижтимоий фанлар орасида ўзининг алоҳида аҳамиятига эга эканлиги эътиборга молиқдир. Негаки, мазкур фан филологик соҳа мутахассисларининг тил ўргатиш жараёнида олиб борадиган фаолиятларининг янада самарали бўлишини таъминлаб беради, яъни чет тилларни ўқитиш жараёнида тушунчавий (маданий) ва лисоний дунёқарашнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратиш талабаларни ушбу тилда сўзловчининг дунёқарashi нуқтаи назаридан тилни ўрганишга ундейди. Ўрганилаётган тил билан бирга миллий маданий дунёқарашни англаш, бу ўша тилда сўзлашувчи халқнинг дунёқарашига сингиш демакдир.

Маданиятнинг тилга ўз таъсирини ўтказишини ўрганишда социолингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, маданиятларо коммуникация назариялари асос қилиб олинади.

Шу ўринда XIX аср филологлари тилни руҳий дармон сифатида тушунгандарини эътироф этиш зарур. “Тил бу инсон ташқи хамда ички дунёсини ўзаро боғловчи ҳодисадир”, дея таъриф беради Гумбольдт¹²⁹.

Мазкур масалада В.А.Маслованинг “тил бу маданиятнинг омили” деган қарашларини келтирамиз: 1) тил биз авлодларимиздан мерос қилиб олган маданиятнинг асосий қисмидир; 2) тил воситасида маданиятни ўзлаштирамиз; 3) тил – маданият, фан, адабиёт, диннинг моҳиятини тушуниш воситасидир¹³⁰.

И.С.Улуханов эса ўз навбатида тил ва маданиятни бир биридан ажратилган, умумий белгиларга эга бўлмаган икки категория сифатида кўради¹³¹. Маданиятшунос олим Кравченконинг фикрича, тил халқ маданиятининг маҳсули эмас, балки ушбу маданиятнинг яралиши учун зарур бўлган омилдир¹³², яъни маданият тил материали асосида юзага келади. Муҳими шуки, турмуш маданияти фақат сўзлардангина иборат бўлмай, урф-одат ва анъаналар, ахлоқ нормаси ва турмуш рамзларини ўз ичига олади. Лекин бу тизимда тилнинг ўрни алоҳида мавқеда туради.

Рус тилшуноси С.Г. Терминасова тил ва маданият мутаносиблиги ҳақида шундай дейди: “Тил маданиятнинг кўзгусидир, унинг қуролидир, унинг хазинаси ва ушбу маданиятни бошқаларга тарғиб қиласиган қобилият сохибидир”.¹³³

Шундай қилиб, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳақида фикр юритар эканмиз, бу муаммолар ҳам мулоқотнинг шакл ва маҳсулдорлигини ўстиришда, ҳам чет тилларни ўқитишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш жоиздир. Демак, маълум бир тилда сўзлашувчи киши нафақат тил ташувчиси, балки шу тилда сўзлашувчи миллат маданиятининг ҳам ташувчисивазифасини бажаради. Шу сабабдан тил миллат вакилининг миллий-маданий менталитетини намоён этиш хусусиятига эгадир.

¹²⁹ Гумбольдт В.Ф. Язык и философия культуры / Общ.Ред. А.В.Гулыги и Г.В.Рамишвили. – М.: Прогресс, 1985, с 256.

¹³⁰ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001. С. 62.

¹³¹ Улуханов И.С. Единицы словарной системы русского языка и их лексическая реализация. – М.: Наука, 1996. – 221 с.

¹³² Кравченко А.И. Культурология. – М.: Акад. проект, 2001. – 494 с.

¹³³ Тер-Минасова А.А. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слова, 2000. – С.6. 261 с

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Язык русской культуры, 1999.
2. Гумбольдт В.Ф. Язык и философия культуры / Общ.Ред. А.В.Гулыги и Г.В.Рамишвили. – М.: Прогресс, 1985.
3. Кравченко А.И. Культурология. – М.: Акад. проект, 2001.
4. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001.

5. Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. – М.: УРСС, 2003.
6. Тер-Минасова А.А. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слова, 2000.
7. Улуханов И.С. Единицы словарной системы русского языка и их лексическая реализация. – М.: Наука, 1996.